

## БОЛАЛАРДА МИКРОНУТРИЕНТ ТАНҚИСЛИГИ, ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ ВА ЗАМБУРУҒЛАРГА СЕЗУВЧАНЛИК МУАММОСИГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Дилафруз Гайратовна Абдуллаева

Тошкент тиббиёт академияси, PhD, доцент

ORCID: 0000-0002-0858-4210

[abdullaeva.dg1976@gmail.com](mailto:abdullaeva.dg1976@gmail.com)

Шерзод Пармонович Ишназаров, Дииноза Исмоиловна Рахимова

Тошкент тиббиёт академияси, магистр

Фаттахова Ферузахон Алишер кизи, магистр

Тошкент тиббиёт академияси, болалар, ўсмиirlар ва овқатланиш гигиенаси  
кафедраси, Тошкент, Ўзбекистон

### АННОТАЦИЯ

Хозирги кунда болаларда витаминлар ва минераллар алмашинувини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар юртимизда олиб борилмоқда. Болалар орасида овқат аллергияси ҳамда замбуруғларга сезувчанлик муаммоси қўп ҳолларда эътибордан четда қолиши оқибатида ўсиб келаётган организм қаршилик кучининг пасайиши, натижада сурункали хасталиклар авж олишига замин яратиши мумкин. Тадқиқотлар натижасида юртимизда кенг тарқалган озиқ-овқат ҳамда замбуруғ аллергенлари, микронутриентлар етишмовчилиги ҳоллари аниқланди.

**Калит сўзлар:** овқат аллергияси, озиқ-овқат маҳсулотлари, витамин C, минераллар, замбуруғ аллергенлари.

### ABSTRACT

Currently, in our country, studies are being conducted on the study of vitamin and mineral metabolism in children. Due to the fact that the problem of food allergies and sensitivity to fungi in children is often not taken into account, the resistance of the growing organism may decrease, and as a result, chronic diseases may develop. As a result of research in our country, widespread food and fungal allergens, micronutrient deficiencies were found.

**Keywords:** food allergy, food products, vitamin C, minerals, fungal allergens.

## КИРИШ

Кейинги йилларда урбанизациянинг ўсиши, иқлиминг глобал ўзгариши натижасида аллергия хавфини юзага келтирувчи вазиятлар юзага келиб, болалар ва катта ёшли аҳолида аллергик касалликлар ўсиши аниқланган. Иқлим ўзгариши оқибатида Ер юзасидаги ҳарорат кўтарилиши натижасида дарахтлар чанги, уларнинг аллергенлиги ошиши, ҳашоротлар ареалининг кенгайиши, денгизлар кўтарилиши, ёғингарчилик режимининг ўзгариши натижасида моғор замбуруғларининг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Европа аллергологлари ва клиник иммунологлари Ассоциацияси (EAACI) Муаммо комиссияси хужжатига кўра “аллергия” термини ташқи муҳит турли омиллари, яратилаётган кимёвий омиллар, озиқ-овқат бўёқлари, дори воситалари билан инсон мулоқотда бўлганда юзага келадиган барча кутилмаган реакцияларни тавсифлаш учун ишлатилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хозирги кунда аллергик касалликлар ЖССТ томонидан муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири деб эътироф этилган. Шаҳарларда катта йўлар яқинида яшовчи болалар транспорт чанги томонидан юзага келадиган атопияга кўпроқ чалиниши олимлар томонидан исботланган. Аллергик касалликлар ичida озиқ-овқатлар истеъмоли натижасида ноқулай реакцияларга нисбатан ҳар 4 bemордан бири шикоят қиласи ва охирги 15-20 йил ичida овқат аллергияси эпидемия каби тарқалмоқда.

Овқат аллергиясининг тарқалишига ҳар бир ҳудуддаги овқат тайёрлаш усуслари ва парҳез хусусиятлари катта таъсир қиласи, масалан, АҚШ да ерёнгоқ энг кучли аллергенлардан бири саналади ва ўлим билан тугайдиган анафилаксияларнинг 2/3 қисми ерёнгоқ оқибатида келиб чиқиши аниқланган, бунга сабаб унга юқори ҳароратда ( $150-180^{\circ}$ ) ишлов берилади, бунда оқсилнинг аллергенлик хусусияти янада ортади. 1997-2006 йилларда ёнгоқлар ва ерёнгоқка аллергия АҚШ да 3 марта кўпайган. Исроилда термик ишлов берилмаган ерёнгоқ ва кунжут ёш болалар таомномасига жуда эрта киритилиши унга нисбатан аллергиянинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Шуни таъкидлаш жоиз-ки, bemорларни парҳез даволаш даврида ҳар бир маҳсулотнинг термик ишлов беришга чидамлилигини эътиборга олиш яхши натижа беради. Ёнгоқлар термик ишлов берилганда аллергенлик хусусияти ортса, сабзавот ва меваларда аксинча, кўпинча термик ишлов ёрдамида аллергенлигини камайтиришимиз мумкин.

Витамин С иммунитетга, хемотаксис, фагоцитоз, пролиферация ва Т- ва В- лимфоцитлар дифференцировкасига ижобий таъсир қилиши исботланган. В- и Т-лимфоцитов. Атопик дерматит билан хасталанган болаларда витамин С, ҳамда А ва Е витаминлар етишмовчилиги аниqlанган [2, 3]. Аскорбин кислота антиоксидант хусусиятга эга, деярли барча биокимёвий жараёнларда қатнашади, тўқималар регенерацияси, коллаген, стероид гормонлар, карнитин, проколлаген синтези, серотонин гидроксилланиш жараёнларида қатнашади. Протеолитик ферментлар фаоллашуви, пигмент, холестерин алмашинуви жараёнларида иштирок этади. Гистамин ажралиши жараёнини тормозлаши оқибатида яллиғланишга ва аллергияга қарши таъсирга эга [2].

Хозирги кунда боланинг ўсиш ва ривожланишига унинг оқсил ва минераллар (кальций, фосфор, магний, цинк ва бошқ.), витаминлар (A, D, E, C, B ва бошқ.), биологик фаол қўшимчалар, қувват билан таъминланиши таъсир қилиши маълум. Оқсил, ёғ, углеводлар етишмовчилигидан фарқли равишда микронутриентлар етишмовчилиги болаларда “яширин очлик” термини билан аталади [2, 4].

Овқат аллергияси мультифакториал характерга эга бўлиб, турли аллергик ва ноаллергик касалликлар келиб чиқишига замин яратиши билан характерланади. Озиқ-овқат аллергенининг организмга кириш жойи ичаклар бўлсада, касаллик симптомлари терида, кўз, бурун ва нафас йўлларининг шиллиқ қаватида намоён бўлади. Ушбу хасталик келиб чиқишида ирсий омиллар, ҳомиладорлик давридадаги токсикозлар, дори-дармонларнинг норационал қўлланиши, нотўғри овқатланиш, боланинг она сутисиз, сұйний овқатлантирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзан овқат аллергиясига ўхшаш сохта (псевдоаллергик) реакциялар клиник симптомлари ўхшашлиги билан ташҳисотда шифокорларга ноқулайликлар туғдиради, чунки чин ва сохта аллергияни даволаш фарқ қиласи [1,5].

Овқат аллергияси кўпинча болаликдан бошланади, ирсий мойиллиги бўлган кўкрак ёшидаги болаларнинг овқат ҳазм қилиш аъзолари ва иммун тизимининг функционал етук эмаслиги оқибатида мураккаб жараёнлар натижасида организм томонидан **иммуноглобулин Е** типидаги аллергик антитаначалар ажралиб чиқиши билан характерланади. Меъда-ичак тракти ҳар куни кўплаб потенциал аллерген оқсиллар таъсирига учрайди, аммо озиқ-овқат маҳсулотларига ўта сезувчанлик реакциялари ҳимоя тизими самарали ишлаганда юзага келмайди. Шуни таъкидлаш жоиз-ки, беморларнинг аксариятида модда алмашинувининг

бузилиши, ферментлар тизимидағи ўзгаришлар, меъда-ичак шиллик қаватининг ўтказувчанлиги ошиши кузатилади.

Сохта аллергик касалликлар юзага келишида биологик фаол моддаларнинг дезактивланиш механизмлари бузилиши, гистаминаза ферменти фаоллиги пасайиши, гистамин, тирамин, фенилэтиламинга бой овқат истеъмоли, овқат қўшимчалари (бўёқлар, айниқса, тартразин ва натрий нитрит, ароматизаторлар, консервантлар, эмульгаторлар сульфитлар, глутаматлар ва ҳк.) сабаб бўлиши мумкин.

Овқат аллергияси ўз вақтида аниқланмаса, аллергик касалликларнинг сурункали тус олиши ва оғирлашишига олиб келади. Озиқ-овқат аллергенларига нисбатан сенсибилизация аллергик дерматит, ўткир қаварчиқлар, гастроинтестинал аллергия, аллергик шишлар келиб чиқишида асосий ўринга эга. Овқат аллергияси синдроми тери, меъда-ичак ва нафас олиш йўллари касалликларининг кенг спектрини қамраб олган бўлиб, расмий маълумотларга кўра шошилинч терапия бўлимларидағи анафилактик ҳолатларнинг 30-50% ини ташкил қиласиди.

Овқат аллергиясининг ўз вақтида ташҳис қилинмаслиги, “айбдор” аллергеннинг аниқланмаслиги натижасида клиник амалиётда bemорларни парҳез даволашда касалликка сабабчи аллергенларни ва сабаб бўлмайдиган маҳсулотларни рациондан чекланиб, натижада bemор болаларда ўсишдан орқада қолиш, вақт ўтиши билан тери симптомларига респиратор симптомлар қўшилиши кузатилади.

Чет эллик аллергологлар bemорларни даволашда “катта саккиз” (**сигир сути, тухум, балиқ, қисқичбақасимонлар, ерёнғоқ, соя, буғдой, ёнғоқлар**) аллергенлар гуруҳига таянишар эди, лекин ҳозирги кунда озиқ-овқат саноати ва янги технологияларнинг ривожланиши, ўсимлик маҳсулотларининг кенг қўлланиши натижасида (ҳайвон маҳсулотларида ҳам ўсимлик аллергенлари мавжудлиги, масалан, баъзи колбасаларда соя, ёнғоқ оқсилларининг қўшилиши) конкрет маҳсулотнинг таркиби ўзгариб бормоқда. Ўсимлик аллергенларининг роли EU 2005 Директивасида ҳам ўз аксини топган, унга асосан аллерген хусусиятга эга маҳсулотлар, масалан, глютен сақловчи дон (буғдой, сули, жавдар), соя, ерёнғоқ, ёнғоқлар (бодом, кешью, писта, ўрмон ёнғоги ва ҳк.), сельдерей, кунжут, хантал албатта маркировка қилиниши керак. Ген-модификацияланган маҳсулотлар ҳам оқсил таркиби ўзгаргани учун потенциал аллерген сифатида катта хавф туғдиради.

Юқорида келтирилган маълумотларни эътиборга олиб, юртимизда аллергик касалликларда, жумладан овқат

аллергиясида ташхисотни яхшилаш мақсадида бемор жисми учун безарар бўлган *in vitro* (организмдан ташқарида) замонавий ташхисот усулларини амалиётда қўллашни мақсад қилдик. Чет эллик (германиялик) мутахассислар билан биргаликда юртимизда кўп тарқалган турли ўсимлик ва майший чанглар, озиқ-овқат ҳамда замбуруғ аллергенларига нисбатан бемор организмида ажралиб чиқадиган иммуноглобулин Е махсус антитаначаларини аниқловчи аллерген панелларини ишлаб чиқдик ва клиник амалиётга киритдик. Бу усулнинг афзалликлари: ҳар қандай ёшда, хатто гўдаклар, эмизикли, ҳомиладор аёлларда, касаллик ҳуруж қилган вақтда, беморларни даволаш даврида ҳам қўллаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида ўнлаб аллергенларга сезувчанликни аниқлаш ва ҳар бир бемор учун индивидуал парҳез даволашга ёндошиш имконияти туғилди. Ҳозирги кунда республика аллергология илмий-амалий маркази, вилоятларидағи хусусий клиникаларда ушбу аллерген панеллари ёрдамида беморларда овқат аллергияси ва бошқа аллергик касалликлар эрта аниқланмоқда. Шифокорлар қабулга келган беморлардан тўлиқ анамнез (касаллик тарихи) йиғиб, клиник симптомлар, беморлар шикоятини эътиборга олиб, керакли лаборатор синамаларни тавсия қиласидилар.

Иzlанишларимиз натижасида юртимизда кенг тарқалган озиқ-овқат аллергенларини аниқладик. Болаларда асосан глютен, гречка, буғдой уни, сигир сути, тухум, ёнғоқлар (ерёнғоқ, грек ёнғоғи, бодом), йогурт, лимон, қулупнай каби мевалар; катталарда помидор, картошка, асал, буғдой уни, сабзи, кунжут, олча, сельдерей, апельсин, шафтоли, ноҳот, олма, қулупнай, ананас, ёнғоқ, писта, ерёнғоқ, эчки ва сигир сути аллергенларига нисбатан ўта сезувчанлик кўп учрашини аниқладик.

Маълумки, овқат аллергенлари 2 гурухга бўлинади: **ҳайвон ва ўсимлик** маҳсулотлари аллергенлари. Шуни таъкидлаш жоиз-ки, худудимизда ўсимлик маҳсулотларига нисбатан аллергик реакциялар ҳамда кесишган аллергик реакциялар кўпроқ учрайди ва тери, меъда-ичак, нафас тизими аъзоларининг аллергик яллиғланишига сабаб бўлади. Дараҳт, гулларнинг чангига нисбатан аллергияси бор беморларнинг аксарияти ўсимлик оқсиллари ўхшашлиги натижасида келиб чиқадиган кесишган аллергик реакциялар оқибатида сабзавот, мевалар истеъмолидан кейин оғиз, лаб шишиши, қаварчиқлар, ринит, йўтал, бронхоспазм каби симптомларга шикоят қиласидилар. Бу симптомлар баъзан анафилаксия (гемодинамиканинг бузилиши билан кечувчи ҳаёт учун хавфли ўткир оғир тизимли ўта сезувчанлик реакцияси) кўринишида намоён бўлиши мумкин. Кўпинча ёнғоқлар, сут, тухум, мевалар билан бир қаторда, уй чангига таркибидаги

каначалар (*Dermatophagoides pteronyssinus*, *Dermatophagoides farinae*, улар баъзан озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ҳам бўлади), овқат қўшимчалари, дори-дармонлар, латекс, ҳашоротлар анафилаксия чақириши мумкин. Бемор учун хавф туғдирадаган аллергенни вақтида аниқлаш, “айбдор” аллергенни элиминация қилиш, яъни у билан мулоқотни, истеъмолни чеклаш bemорни даволашда муҳим ҳисобланади. Шифокорлар bemорларга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётган вақтда ҳар бир маҳсулот этикеткасини ўқиб, таркибини синчковлик билан ўқиши кераклигини тушунтиришлари керак.

## ХУЛОСА

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда витамин С етишмовчилиги, минераллардан кальций, магний танқислиги ҳолатлари кўп учрамоқда. Болаларда ёндош касалликларнинг келиб чиқиш чиқиш сабабини ўрганиш, уларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, гўдакларни қўкрак сути билан боқиш, аҳолининг турли ёш гурухлари ичидаги тиббий қўрикларни тўғри ва сифатли ўтказиш, сурункали нафас, меъда-ичак, жигар-ўт йўллари касалликларини вақтида аниқлаш ҳамда даволаш, хаддан ташқари тўйиб овқатланишдан сақланиш, таркибида кўп миқдорда сувний қўшимчалар бўлган маҳсулотларни чеклаш, миллий овқатланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда замонавий аллергологик ташҳисотнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда элиминацион ҳамда гипоаллерген парҳез рационларидан фойдаланиш овқат аллергиясини олдини олишга ёрдам беради.

## REFERENCES

1. Д. Абдуллаева ОСОБЕННОСТИ ПИЩЕВОЙ АЛЛЕРГИИ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОГО КЛИМАТА И ПЕРЕКРЕСТНЫХ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ РЕАКЦИЙ НА ПИЩЕВЫЕ РЕАКЦИИ // ГАИ. 2022. №Д7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/features-of-food-allergy-in-hot-climate-conditions-and-cross-allergic-reactions-to-food>
2. Захарова И.Н., Айсанова М.Р. Недостаточность эссенциальных витаминов у детей первого года жизни. Медицинский совет. 2019; 11: 180-187. DOI: <https://doi.org/10.21518/2079-701X-2019-11-180-187>
3. Ревякина В.А., Кувшинова Е.Д. Оценка витаминного статуса у детей с пищевой аллергией. Российский вестник перинатологии и педиатрии, 2018;63: (4) DOI: 10.21508/1027-4065-congress-2018 p.159-160
4. Hannah Ritchie and Max Roser (2017) - "Micronutrient Deficiency". Published online at OurWorldInData.org. Retrieved from: '<https://ourworldindata.org/micronutrient-deficiency>
5. Shaykhova G. I., Ermatov N. J., Abdullaeva D. G. To the problem of fungal pathology in the hot climate in children and adults //International Journal of Pharmaceutical Research and entitled. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 2319-2322.